Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 233 (5524).
11 ОКТЯБРЬ 1984 й.
ПАЙШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

тонгги газеталарда

9 октябрь куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко ва Совет Иттифоқига расмий визит билан келган Яман Араб Республикаси Президенти А. А. Солиҳ ўртасида музокаралар бўлиб ўтди.

Самимий, дўстона вазиятда ўтган музокаралар чоғида СССР билан ЯАР ўртасидаги икки томонлама муносабатларга доир масалалар, шунингдек халқаро аҳволга оид баъзи муҳим проблемалар батафсил кўриб чиқилди.

Кремлда музокаралар тугаганидан кейин Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Яман Араб Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартномани имзолаш маросими бўлди.

Ленин байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида—коммунистик қурилишда янги ғалабалар сари, олға!

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 67 йиллигига КПСС Марказий Комитетининг ЧАҚИРИҚЛАРИ

Яшасин Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 67 йиллиги!

Инсоният тарихида янги давр — социализм ва коммунизм тантанаси даврини очган Улуғ Октябрга шарафлар!

Яшасин абадий барҳаёт революцион интернационализм — таълимот — марксизм-ленинизм!

Яшасин Совет Иттифоқи Коммунистик партияси! Партия билан халқнинг мустаҳкам бирлиги, улуғ ишларининг васиятларига садоқат — барча ғалабаларининг гаровидир!

Коммунистлар! Партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг тарихий қарорларини бажариш учун умумхалқ курашини янада кенгроқ авж олдиринг сафида бўлингизлар!

Ривожланган социалистик жамиятни ҳар томонлама такомиллаштириш — партия билан халқнинг стратегик вазифасидир!

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Ишлаб чиқаришда самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун социалистик мусобақани кенг авж олдиринг!

1984 йилги планни, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажарайлик!

Коммунизм бинокори, тинчлик учун матонатли ва изчил курашчи — улуғ совет халқига шон-шарафлар!

Яшасин ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва халқ зиёлиларининг бузилмас иттифоқи!

Яшасин жамиятимиз қучининг ҳаётбахш манбаи — Совет Иттифоқи халқларининг мустаҳкам интернационал бирлиги ва қардошларча дўстлиги!

Яшасин чинакам демократик ҳокимият органлари — халқ депутатлари Советлари!

Советлар мамлакатининг гражданлари! Давлат ва жамоат ишларини бошқаришда активроқ қатнашинг!

Совет касаба союзлари! Меҳнаткашларнинг меҳнат активлиги ва ижодий ташаббускорлигини бутун кучлар билан ривожлантиринг!

Яшасин бошқариш мактаби, хўжалик юритиш мактаби, коммунизм мактаби — совет касаба союзлари!

Яшасин Коммунистик партиянинг жанговар ёрдамчиси ва ишончли резерви, коммунизм ёш биноларининг илғор отряди — Ленин комсомоли!

Жигит ва қизлар! Билимларни, маданият, профессионал маҳоратни тинимсиз эгалланг! Коммунистик партия билан совет халқининг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналарини кўпайтиринг!

Ленинча яшаш, ишлаш, курашишни ўрганингиз!

Шонли ветеранлар, ёшларнинг мураббийлари! Авлодга ўз билимингиз, бой ҳаётий тажрибангизни ўргатингиз!

Жигит ва қизларни Ватанимизнинг оташин ватанпарварлари, Ленин иши учун, коммунизм учун фидойона курашчилар этиб тарбияланг!

Советлар мамлакатининг хотин-қизлари! Ишлаб чиқаришда ва ижтимоий ҳаётда актив қатнашинг!

Болаларга шон-шарафлар!

Бутун Ер юзи болалари тинч ва бахтиёр бўлсин!

Совет жангчилари! Жанговар ва сиёсий тайёргарликни такомиллаштиринг!

Совет халқининг тинч меҳнатини, социализмнинг қудратли ғалабаларини сергаклик билан пухта ҳимоя қилинг!

Яшасин шавкатли СССР Қуролли Кучлари!

В. И. Ленинчи большевикларга, партия ветеранларига, Октябрь қаҳрамонларига, Ватанимизнинг шон-шарафи, озодлиги ва мустақиллиги учун барча довларда курашчиларга шон-шарафлар!

Улуғ Ватан урушида жаҳоншумул-тарихий ғалаба қозонган совет жангчиларининг, партизанлар ва подпольчиларнинг, мамлакат ичкарисидаги меҳнаткашларнинг мисли кўрилмаган жасорати халқ хотирасида абадий сақланиб қолажакдир!

Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Меҳнат унумдорлигини пландан ташқари ўстириш ва маҳсулот таннархини арзонлаштириш юзасидан социалистик мажбуриятларни бажариш учун сабот билан курашингиз!

19. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Фан-техника тараққиётини жадаллаштиринг! Фан, техника ютуқларини ва илғор тажрибани сабот билан ишлаб чиқаришга жорий этингиз!

Халқ хўжалигини интенсив ривожлантирайлик!

20. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Машиналар ва асбоб-ускуналардан яхши фойдаланингиз!

Ишлаб турган ва янгидан фойдаланишга топшириладиган ишлаб чиқариш қувватларини тўлиқроқ ўзлаштиринг!

21. Совет Иттифоқи гражданлари! Иқтисод ва тежамкорлик учун кураш ҳаракатини кенгроқ авж олдиринг!

Меҳнат, ёқилғи-энергетика ресурслари ва бошқа моддий ресурслардан самарали фойдаланинг!

22. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Иқтисодий, социал ва тарбиявий вазифаларни ҳал этиш, социалистик демократияни янада ривожлантириш учун меҳнат коллективларининг ҳуқуқларидан тўлароқ фойдаланинг!

23. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштиришда актив қатнашинг!

Зарбдор, ватанпарварлик меҳнати билан Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамланг!

24. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Уюшқоқлик ва интизомни ҳар томонлама кучайтиринг!

Маҳсулот етказиб бериш планлари сўзсиз бажарилишига эришинг!

25. Ёқилғи-энергетика комплекси ходимлари! Нефть, газ, кўмир қазиб олишни, электр энергия ва иссиқлик энергияси ҳосил қилишни кўпайтиринг!

Энергетика программасини бажариш учун сабот билан курашинг!

26. Совет металлурглари! Мамлакатнинг металлга бўлган эҳтиёжини пухта таъминланг!

Юқори сифатли, тежамли металл маҳсулотлар ишлаб чиқаринг!

27. Машинасозлар! Серунум, тежамли ва пишиқ машиналар, приборлар, механизациялаш ва автоматлаштириш воситалари яратинг!

Халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларини техника билан қайта қуроллантиришни тезлаштиринг!

28. Химия саноати ходимлари! Халқ хўжалигининг ва аҳолининг химиявий маҳсулот ҳамда материалларга бўлган эҳтиёжини тўла-тўкис таъминланг!

29. Саноат ходимлари! Аҳоли учун юқори сифатли моллар ишлаб чиқаришни кўпайтиринг! Совет кишиларининг ортиб бораётган талаб-эҳтиёжларини тўлароқ ҳисобга олинг, молларнинг турларини янгилашни тезлаштиринг!

Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш — халқ хўжалиги барча тармоқларининг ишидир!

30. Транспорт ва алоқа ходимлари! Халқ хўжалиги юклари узлуксиз ташилишига, аҳолига хизмат қилишнинг юксак маданиятига эришингиз!

31. Қурувчилар ва монтажчилар! Капитал қурилиш самарадорлигини оширингиз!

Замонавий техника асосида тежамли ва сифатли қуринг! Ишга туширилади ган объектларни юқори сифатли ва ўз вақтида топширинг!

32. Агросаноат комплекси ходимлари! Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни интенсивлашни тезлаштиринг! Мамлакатни озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик хом ашёси билан пухта таъминлашга эришинг!

Озиқ-овқат программасини бажариш учун сабот билан курашингиз!

33. Колхозчилар, совхоз ходимлари! Деҳқончиликнинг илмий асосланган системасини активроқ жорий қилингиз! Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг барқарорлигини ошириш учун мелиорациядан кенг фойдаланингиз!

Дон, техника экинлари ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари етиштиришни кўпайтиринг!

Келгуси йил ҳосилига эътибор ва ғамхўрлик қилайлик!

34. Қишлоқ хўжалиги меҳнатчилари! Чорвачиликнинг ем-хашак базасини мустаҳкамланг, унинг маҳсулдорлигини оширинг!

Чорва қишлови уюшқоқлик билан ўтказилишига эришинг! Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиринг!

35. Қишлоқ хўжалиги, тайёрлаш, транспорт, қайта ишлаш ва савдо корхоналарининг ходимлари! Қишлоқ хўжалик маҳсулотининг нобуд бўлишига йўл қўймангиз!

Етиштирилган ҳамма маҳсулотни сақлаб қолайлик ва халқ фаровонлиги йўлида ишлатайлик!

36. Савдо, умумий овқатланиш, маиший ва коммунал хизмат ходимлари! Меҳнат сифати ва маданиятини оширингиз, аҳолининг ҳар хил хизмат турларига ортиб бораётган талаб-эҳтиёжларини тўлароқ қондиринг!

37. Совет олимлари! Тадқиқот ишлари самарадорлигини оширинг! Илм-фан ютуқларининг практикага жорий этилишига қўшадиган ҳиссангизни кўпайтиринг!

38. Идеология фронти ходимлари! Партия ғояларини оммага эътиқод ва эҳтирос билан етказинг, ривожланган социализм жамиятининг ютуқларини чуқур ва ёрқин очиб беринг! Империалистларнинг қўпорувчилик пропагандасини актив фош этинг!

Идеология иши — бутун партиянинг, ҳар бир коммунистнинг ишидир!

39. Адабиёт ва санъат арбоблари, маданият ходимлари! Коммунистик ғоявийлик, партиявийлик ва халқчиллик байроғини баланд кўтаринг!

Янги, социалистик цивилизациянинг маънавий бойлигини ўзида мужассамлаштирган асарлар яратинг!

40. Халқ маорифи ходимлари! Ёш авлодга таълим ва коммунистик тарбия беришни такомиллаштиринг! Мактаб ўқувчиларида ижтимоий фойдали меҳнатга муҳаббат уйғотинг!

Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишда актив қатнашинг!

41. Соғлиқни сақлаш ходимлари! Аҳолига медицина хизматини яхшиланг! Даволаш ва санитария муассасаларининг иш маданиятини оширинг!

42. Физкультурачилар ва спортчилар! Совет спортининг муваффақиятларини кўпайтиринг! Физкультура ҳаракатининг оммавийлиги оширилсин!

Физкультура — халқ соғлиғига хизмат қилсин!

43. Яшасин Совет Иттифоқининг ленинча ташқи сиёсати — халқлар тинчлиги ва хавфсизлигини, кенг халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш сиёсати!

44. Коммунистик ва ишчи партияларга қардошлик саломи!

Бутун дунё коммунистларининг бирлиги ва жипслиги мустаҳкамланаверсин!

45. Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Яшасин пролетар, социалистик интернационализм!

46. Жаҳон социализми, халқаро пролетариат ва миллий озодлик ҳаракатининг иттифоқи мустаҳкамланаверсин!

47. Социалистик мамлакатларнинг халқларига қардошлик саломи!

Яшасин социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг бирлиги, ҳамкорлиги ва жипслиги, уларнинг социализм ғалабаларини, Ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилиш йўлидаги азму қарори!

48. Мустамлакачилик зулмидан халос бўлиб, социалистик ривожланиш йўлини танлаб олган халқларга қардошлик саломи!

49. Миллий мустақилликни мустаҳкамлаш ва социал тараққиёт учун мардона курашаётган халқларга қардошлик саломи!

50. Капиталистик мамлакатларнинг ишчилар синфига қардошлик саломи!

51. Фашистлар зиндонларида азоб чекиб ётган кишиларга — озодлик, демократия ва социализм учун курашчиларга қардошлик саломи!

Империализм ва реакция тутқинлари озод қилинсин!

52. Жаҳон халқлари! Империалистик агрессияга ва зўравонликка қарши, Осиё, Африка ва Лотин Америкасида кескинлик ҳамда танглик вазиятлари манбаларини тугатиш учун қатъият билан курашингиз!

53. Империализмга, мустамлакачиликка ва ирқчиликка қарши, сиёсий ва иқтисодий мустақилликни мустаҳкамлаш учун курашаётган Африка халқларига қардошлик саломи!

Намибия халқига озодлик! Жанубий Африкада шармандали апартеид системаси тугатилсин!

54. Империализм ва реакцияга қарши, тинчлик ҳамда ўз мамлакатларининг демократик ривожланиши учун курашаётган Лотин Америкаси халқларига қизғин салом!

Жаҳон халқлари! АҚШнинг Никарагуага қарши агрессив ҳаракатлари тўхтатилишини талаб қилингиз! Гренада Америка оккупациясидан озод қилинишига эришингиз!

55. Араб мамлакатлари халқлари! Исроил агрессиясига ва империализм зўравонлигига қарши курашда ўз сафларингизни жипслаштиринг!

Совет-араб дўстлиги мустаҳкамланаверсин!

56. Жаҳон халқлари! Исроил қўшинлари араблардан босиб олган ҳамма ерлардан чиқариб юборилишига, империалистларнинг араб мамлакатлари ишларига аралашуви тўхтатилишига эришингиз!

Фаластин халқининг одилона кураши билан бирдамликни мустаҳкамланг!

Яқин Шарқда мустаҳкам ва одилона тинчлик ўрнатилсин!

57. Европа мамлакатлари халқлари! Ғарбий Европадан Американанинг янги ядро ракеталари олиб чиқиб кетилиши учун курашни кучайтиринг!

Европада тинчлик, хавфсизлик ва ҳамкорлик бўлсин!

58. Осиё мамлакатларининг халқлари! Империализмга, янги мустамлакачиликка ва гегемонизмга қарши, тинчлик ва хавфсизлик учун курашингиз!

Осиё тинчлик, ишонч ва ҳамкорлик қитъаси бўлиб қолсин!

59. Барча мамлакатларнинг халқлари! Ядро уруши хавфини бартараф этиш учун курашни кучайтиринг! Империализм, милитаризм ва реваншизмнинг агрессив кирдикорларига қатъий зарба беринг! Урушга қарши ҳаракатни кенгайтиринг ва жипслаштиринг!

Қуролланиш пойгасини жиловлайлик, кескинликни юмшатишни ва тинчликни қаттиқ туриб ҳимоя қилайлик!

60. Бутун планета кишилари! Ядро, химиявий қурол ва оммавий қирғин қуролининг бошқа турлари тақиқланиши учун курашни кенг авж олдиринг!

61. Жаҳон халқлари! Космик фазо ҳарбийлаштирилиши абадий тақиқланишини қатъий талаб қилинг!

Космос фақат тинчликка хизмат қилиши керак!

62. Яшасин улуғ Ватанимиз — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

63. Ленин байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида — коммунистик қурилишда янги ғалабалар сари, олға!

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ПАХТАЗОРДАН ДАРАКЛАР № 10.

БИЗ ҲАММАМИЗ —ПАХТАКОРМИЗ

«ОҚ ОЛТИН»—ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 10 Октябргача бўлган маълумот.

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён.

Фарғона	2,01	68,01
Тошкент	0,42	63,44
Андижон	1,59	60,84
Наманган	2,08	58,08
Сурхондарё	1,72	53,69
Хоразм	2,44	47,15
Бухоро	1,16	43,47
Самарқанд	1,03	41,59
Навоий	1,20	35,77
Сирдарё	0,84	35,70
ҚҚАССР	2,40	33,61
Жиззах	0,76	31,64
Қашқадарё	0,32	27,70
Республика бўйича:	1,38	47,24



МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШИШМОҚДА

Пойтахтнинг Куйбишев райони меҳнаткашлари кўплар қатори Тошкент области далаларида пахта йиғим-теримида иштирок этишмоқда. Эл ҳашарида ўзларининг муносиб ҳиссасини қўшишга аҳд қилган «Эталон» тажриба заводининг коллективи айни кунларда пахтакорларга ҳақиқий кўмакдош бўляпти. Улар Ғалаба районидаги Ҳамза номли совхоз далаларида меҳнат қилишаётир. Ишчилар ўз корхоналаридагидек пахтазорда ҳам зарбдорона меҳнат қилишмоқда. Пахта даласини зарбдор меҳнат майдони деб билган бригада коллективи кунлик топшириқни ортиғи билан бажаришга ҳаракат қиляпти.

Пахтакорларга ёрдамга келган бригадага «Эталон»нинг бош технологи Л. Лисих бошчилик қилиб, ҳар бир ишчининг йиғим-теримда фидокорона меҳнат қилишини таъминламоқда. Илғор ҳашарчилар ҳар куни эл хирмонига 60—80 килограммга етказиб «оқ олтин» териб тўкишмоқда.

Кун сайин йиғим-терим қизғин тус оляпти. Ҳозирги долзарб кунларни ғаниматт билган ҳашарчилар деҳқонлар билан бир сафда туриб, ватанпарварлик бурчларини адо этишаётир. Улар республикамизнинг шонли 60 йиллик юбилейига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишга аҳд қилишган.

СУРАТЛАРДА: «Эталон» тажриба заводининг ҳашарчилари пахта йиғим-теримида.



Жаҳон шахмат тожи учун





МОСКВА. Кеча Союзлар уйининг Колонна залида шахмат бўйича жаҳон биринчилиги учун А. Карпов — Г. Каспаров матчининг ўн биринчи партияси ўйналдм. Бу партия 41-юришда кечиктирилди. Жаҳон чемпионининг кечиктирилган партияда бир пиёдаси ортиқ. Бугун ана шу партия ниҳоясига етказилади. Ҳозирча матчда А. Карпов 4:0 ҳисобида пешқадамлик қиляпти.

* * *

ВОЛГОГРАД. Кеча бу ерда аёллар ўртасида шахмат бўйича жаҳон биринчилиги учун М. Чибурданидзе — И. Левитина матчининг кечиктирилган ўнинчи партияси ниҳоясига етказилди. Аста-секин мавқеини кучайтириб борган жаҳон чемпиони М. Чибурданидзе 81-юришда рақиби И. Левитинани таслим бўлишга мажбур қилди. Шундай қилиб матчда М. Чибурданидзе 5,5:4,5 ҳисобида олдинга чиқиб олди.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

ПРОПАГАНДИСТ ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАМОҚДА

Партия ва комсомол ўқуви ҳамда иқтисодий таълим системасида янги ўқув йили бошланишига озгина вақт қолди. 20-цехда ёш коммунист Сергей Иванович Студнев комсомол пропагандисти сифатида дастлабки машғулотга қизғин тайёргарлик кўряпти.

У В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида бундан ўн йил муқаддам иш бошлаган, ўша пайтда эндигина Харьков авиация институтини тугатиб келган эди. У цехда дастлаб мастер ёрдамчиси, кейин мастер, катта мастер бўлиб ишлади. Мана, тўрт йил бўлдики, цех бошлиғининг ўринбосари бўлиб ишламоқда.

Сергей Иванович доимо ғайрат билан ишлайди. Ўзига ва бошқаларга жуда талабчан. Шунинг учун ҳам цех ишчилари уни ҳурмат қиладилар. 1983 йилда коммунистлардан М. Каримов, В. Алиев, И. Рўзибоевлар унга партия сафига киришга тавсиянома бердилар. У ўз ишини жамоат иши билан қўшиб олиб бориб, комсомол мактабига раҳбарлик қилишни сидқидилдан бажаряпти.

Бу мактабда 16 ёш автоматчи, слесарь, фрезерловчи, револьверчилар шуғулланишади. Улар «Тежамкорлик — коммунистик хислат» курсини қизиқиш билан ўрганмоқдалар. Бунда пропагандистнинг ҳиссаси катта, албатта. У ўн биринчи беш йилликда мамлакат экономикаси олдида, шу жумладан цех олдида турган конкрет вазифаларни бир-бири билан узвий боғлаб тушунтирмоқда.

Масалан, «Дастгоҳ, ускуна, машиналардан фойдаланиш самарадорлиги» мавзуида ўтган машғулотда цех ҳаётидан қизиқарли мисоллар келтирди. Мактаб тингловчиларидан — фрезерловчи М. Ким ва автоматчи Р. Каримовлар таклифига кўра барча дастгоҳлар ишчиларга бириктирилди. Натижада ҳар бир дастгоҳни асраб-авайлаш учун коммунистлар масъулияти ошди.

20-цехда пропагандист ва тингловчилар-ишчилар С. Хабибуллина, В. Володиналар эса уч касбни эгаллашган.

Сергей Иванович доимо тингловчиларга ёрдам беради, маслаҳатини аямайди. М. Соломахин бригадаси узоқ вақтгача планни бажаролмади. Шу бригада аъзолари Наташа Федорчук, Икром Муродов, Рўзигул Мелибоева комсомол мактабининг тингловчилари эдилар. Пропагандист машғулотда коллективнинг нега қониқарсиз ишлаётгани билан қизиқиб, унинг сабабларини таҳлил этди. Маълум бўлишича, бу ерда план бажарилмаётганининг бош сабаби смена-суткалик топшириқлар кўнгилдагидек тайёрланмас экан. Меҳнат ва технологик интизомни бузиш ҳоллари ҳам бор. Баъзи ишчиларнинг эса малакаси паст. Бу камчиликларга барҳам бериш учун чоралар кўрилди, техника ўқуви уюштирилди. Белгиланган барча тадбирларнинг бажарилиши устидан назорат ўрнатилди. Технолог биркитилди, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш бўйича тарбиявий ишлар кучайтирилди. Натижа эса яхши бўлди. Бригада мана уч ойдирки, топшириқни бажараяпти. Унда қолоқлар йўқ.

Шу кунларда пропагандист меҳнат унумдорлигини планга қўшимча суратда ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш юзасидан коллектив ўз зиммасига олган мажбуриятни муваффақиятли бажаришга алоҳида эътиборни қаратяпти. У ёшлар ўртасида ички резервларни қидириб топиш, материал ва ресурсларни тежашга қаратилган ташкилотчилик ва тарбиявий ишларни кучайтиришда. Тингловчиларнинг мустақил равишда ижодий изланишлари доимо қўллаб-қувватланмоқда. Слесарь З. Гарипов ва технолог И. Рўзибоевлар янги мослама тайёрлаш технологиясини тайёрлашган. Уни жорий этиш икки тонна-га яқин қимматли металларни тежаш, меҳнат сарфини анча камайтириш, меҳнат унумдорлигини беш ҳисса оширишга имконини беради.

Пропагандист С. Студнев машғулотларда партиямиз сиёсатини ҳар бир тинглювчи чуқур тушуниб етишига, олинган билимларни эса амалда қўллай олишига катта эътибор беради. Барча тингловчилар цехнинг жамоат ҳаётида актив қатнашишяпти. Масалан, М. Ким ўртоқлик судининг аъзоси, Д. Муҳамедова комсомол бюросининг аъзосидир. Ёшларнинг кўпчилиги ишчи-ёшлар ётоқхоналари советларида иш олиб боришаяпти.

Коллектив ўз зиммасига олган мажбуриятларини муваффақиятли бажаряпти. План доимо оширилиб бажариляпти. Барча маҳсулотлар завод Сифат [illegible] моқда.

Пет [illegible] Бузмо [illegible] йилдаги [illegible] собқадам [illegible] Да бориш [illegible] мунист [illegible] ловчиси [illegible] етакчиси [illegible] комсомол [illegible] гадаси [illegible] голиблиги [illegible] моқда. [illegible] кунгача [illegible] планни [illegible] буришга [illegible] Барча [illegible] ишчилар [illegible] қотуқлаш [illegible] дист Сергей [illegible] Студнев [illegible] ҳиссаси [illegible]

В. П. [illegible] даги Тошкент [illegible] ишлаб [illegible] лашмасининг [illegible] тетиниг [illegible] ленияга [illegible] ча мотор [illegible] аъзоси.



Тошкентдаги Октябрь революцияси номли тепловоз ремонти заводида Н. И. Сироткин 42 йилдан бери самарали меҳнат қилиб келади. Утган йиллар давомида у ўзининг ишбилармонлиги, ёшларнинг ҳақиқий устози эканлиги туфайли коллективнинг ҳурматини қозонди.

СУРАТДА: ўнинчи беш йиллик ғолиби Н. И. Сироткин.

В. Таматаев фотоси.

Ўзбекистон—Тюменга

«УЗБЕКИСТАНСКАЯ» ДЕБ АТАЛДИ

Тюмень областидаги нефтчилар ва дарахт кесувчилар шаҳри Урайда янги бир кўча пайдо бўлди. Бу кўчани Ғарбий Сибирь бойликларини ўзлаштиришда қардошларча ёрдам бераётган ўзбекистонлик йўл қурувчилар очдилар.

Урай кичкина бўлсада, донг таратган. Нефтьразведкасининг раҳбари Михаил Шалавин 1960 йилнинг июнида бу ердаги конларнинг биридан Тюмень бошқармасининг бошлиғи Ю. Эрвега: «Икки юз али уч юз» деган сўзлардан иборат сирли телеграмма юборганди. Бу гап сиртаб кўрилган биринчи қудуқ бир кунда 200—300 тоннадан нефть бераётганлигини билдирарди. Ўшанда Шалавин сибирликлар орзиқиб кутган кашфиёт тўғрисидаги маълумотни мухлатига қадар сир тутиш учун ана шу шифрни қўллаганди: 1960 йилнинг июнь ойида Тюмень нефти назариядан шу таҳлитда амалиётга айланган. Шалавин эса телеграммани озарбайжон тилида ёзганди. Эрве билан икковлон Каспийда ишлаб, шу тилни ўрганиб олгандилар.

Ўшандан бери шаҳар ўсиб, геологлар ва нефтчилар, дарахт кесувчилар учун база бўлиб қолди. Бу ердаги ўрмон саноати хўжаликларини ҳар йили мамлакатга юз минглаб куб метр жуда яхши ёғоч тайёрлаб бермоқда. Урай аэропорти—Тюмень областидаги энг шимолий аэропортдир. Унинг бетон ётқизилган учиш-қўниш полосасини бултур ўзбекистонликлар қуриб бергандилар. Шундай қилиб, оғир самолётларни йил бўйи қабул қилиб туриш мумкин бўлиб қолди.

Юк ташийдиган АН—26 самолётида қарийб 6 соат учиб Тошкентдан Урайгача уч минг километрга яқин йўл босилгач, ёмғир ва туманлар ювган кўчалардан ўтиш кишига ёқади. Қайинлар тагидаги бир қаватли оддий уй олдига «УзССР, автомобиль йўлларини қуриш ва улардан фойдаланиш министрлиги «Ўзтюменьдорст р о й» трестининг 3-йўл-қурилиш бошқармаси» деган лавҳа илиб қўйилибди.

Бу ерда бошқарма шу йил очилибди — шунгача қурилиш участкасигина бор эди, холос. Иш ҳажми ортиши билан бошқарма вужудга келган. Тюмень областининг Тайгасида янги йўллар очиш тўғрисида қарор қабул қилинган. Шаҳарни ободонлаштириш соҳасида ҳам кўп ишлар қилишга тўғри келади.

Йўл қурилиш бошқармаси партия комитетининг секретари Икромжон Тўрақулов шаҳардаги янги кўчага ишора қилиб:

— Буни Ўзбекистоннинг кичкина бир парчаси десак ҳам бўлади, — деб кулимсиради. — Йўлга ётқизилган плиталар Тошкент заводида тайёрланган, сўнгра темир йўл, дарёлардаги баржалар, автомобиллар орқали бу ерга келтирилган. Қурувчиларимиз эса уни Сибирь ерига ётқиздилар.

Яқин атрофдаги карьерларда қазиб олинган ва тагига тўкилган ўн минглаб кубметр қум, Уралдан бу ерга ташиб келтирилган минглаб куб метр шағал бор. Ҳар қандай об-ҳавода —қирқ градусли совуқ билан сибирга хос ёзги жазирамада ишлашга тўғри келган. — Кабина дераза-сини ёпсангиз кишининг нафаси қайтади. Очсангиз — чивин босиб кетади. Ҳар чивинларки, —деб эслайди автогрейдерчи Иван Макаров. Лекин Иван ва унинг ўртоқлари—«КрАЗ» ҳайдовчилар Холдоржон Мирфатуллаев, Акрам Ҳусниддинов, Борис Исаев, Юрий Кузиннинг комплекс бригадаси, ўзбекистонлик бошқа қурувчилар на қаҳратон совуқда, на жазирама иссиқда бирон кун, бирон соат бўлсин суръатни бўшаштирмадилар. Вақт билан ҳисоблашмай ишладилар. Шундай қилиб, йўл муддатидан қарийб бир квартал олдин қуриб битказилди. Давлат комиссияси ўзбекистонлик қурувчиларнинг ишига «аъло» баҳо берди.

Нефтчилар, геологлар, дарахт йиқитувчиларнинг янги кўчадаги уйларда яшайдиган кишиларнинг илтимосларига биноан Урай шаҳар ижроия комитети бу кўчани «Узбекистанская» деб аташга қарор қилди.

Бу йўл шаҳардан чиқиб, Тайгага кириб кетади. Лекин икки километрдан сўнг тайгадаги Конда дарёсининг соҳилига бориб тақалади. Шу жойдан чаққон катерлар вахта автобусларини, олис парма қудуқларга машина-ускуна, материал, озиқ-овқат элтувчи юк машиналарини олган паромларни бир қирғоқдан иккинчи қирғоққа етказиб қўяди.

Эндиликда 3-йўл қуриш бошқармасининг коллективи олдига йил бўйи бемалол юк ташиб турса бўладиган кўприк қуриш вазифаси қўйилган. Бошқарма бу вазифани ҳам уддалай олади. Бошқарма коллективининг йил бошидан бери эришган иш натижалари, иккинчи квартал натижаларига кўра социалистик мусобақада қўлга киритган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Узсовпроф ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи бунга далилдир.

А. СКОРОБОГАТОВ, ЎзТАГ махсус мухбири.



Аҳоли ранжимасин

Хатлардан сатрлар

Ҳар куни редакциямизга Сиз, ҳурматли оқшомхонлар томонидан ёзилган ҳар хил мавзудаги жуда кўплаб хатлар келади. Бу мактубларда алоқа, савдо, маиший хизмат, ободончиликка оид ёзилган хатлар кўпчиликни ташкил этади. Газетхонлар ўз хатларида баъзи мутасадди ташкилотлар аҳолини бекордан-бекорга сарсон қилаётгани, уларнинг вақда билан иш бажаришга ўрганиб қолганликлари, автобус маршрутидаги айрим қўпол ҳайдовчи ва кондукторлар йўловчилар асабини бузаётганлиги, савдо қоидасига риоя этмаётган сотувчиларнинг харидорлар ҳақига хиёнат қилаётганликлари танқид қилинади.

Қуйида редакциянинг шаҳар хўжалиги бўлимига келган ана шу хатларнинг айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Қўшни Шамсия ва Мардлик кўчаларига канализация қувурлари ётқизилганига бир неча йил бўлди. Ана шунда, 1979 йили «Водоканал» трестига бизнинг кўчадан 100 метр наридан ўтган канализация қувурларини ҳам кўчамиздан ўтказишга ёрдам беришларини сўраб ариза бердик. «Водоканал» трестидагилар ўн биринчи беш йиллиқдаги планга киритилмайди деб жавоб беришди. Шундан кейин 1982 йил ноябрь ойида яна «Водоканал» трестига мурожаат қилдим. У ерда «Ташжилпроект» институтига буюртма берилган дейишди. Мана 1984 йил ҳам тугай деяпти, лекин канализация ҳақида бирон гап йўқ.

Ҳа, айтгандай бу йил ёзда қўшнимиз уйига канализация ўтказиб олди. Бунисига нима дейсиз?

С. УСМОНОВ, Улуғ Ватан урушининг II группа инвалиди, Меҳмондўст кўчаси, 48-уй.

●

Гап шундаки, бундан уч йил олдин биз Ҳамза райгазига ариза бериб газ улаб беришларини сўрадик. Улар «Батарея ўтказинглар, газ улаб берамиз» деб ваъда беришди. Мана уч йил ўтди, ҳали ҳам ваъда беришдан чарчашмади. Райгазга қатнайвериб, оёқда дармон қолмади.

М. ТОЛИПОВ, Кустанай кўчаси, 35-уй.

●

Сувни исроф қилмаслик ҳақида кўп гапирамиз. Аммо Зиё Саид билан Генерал Узоқов кўчалари кесишган жойда, Зиё Саид кўчасидаги 6-поликлиника ва мактаб ўртасида, 3-проезд Бекобод кўчасининг бошланиш жойида, Қурувчи кўчасидаги 66-уйлар олдида бир неча ойлардан бери водопровод суви бекордан-бекорга оқиб ётибди.

«Водоканал» трестининг диспетчерига (телефони 33-15-95, 33-75-95) кўнғироқ қилиб воқеани тушунтирдик. «Хўп бўлади, бажарамиз», дейишади. Ҳалиям бажаришмади...

А. ИНОҒОМОВ, Ҳамкор кўчаси, 92-уй.

●

18 сентябрь куни эрталаб соат 7.20 минут ўтганда 8-автобус паркига қарашли 81—19 ТНА «Икарус»га ўтириб Студентлар шаҳарчасига бормоқчи бўлдик. Автобусда кондуктор бўлиб, у ҳайдовчи ёндаги эшикда туриб, йўловчиларни фақат олдинги эшикдан туширар, пул олиш билет бермас эди. Автобус салони йўловчилар билан тўлалигидан олдинги эшикка ўтиш жуда қийин бўлди. Уларга илиниб, илтимос қилдик. Фойдаси бўлмади. Ҳайдовчи ва кондуктор ўзининг бу найранги билан барча йўловчилар асабини бузди, пул йиғишда давом этди. У давлат планини эмас, ўз ҳамёнини ўйларди. Бизлар ишга жуда ҳафа бўлиб, асабимиз бузилиб бордик.

8-автобус парки раҳбарлари бундай асаббузар ҳайдовчи ва кондукторга нисбатан қаттиқ чора кўриши керак.

Э. ИБОДОВ, Н. НАЗАРМАТОВА, Т. ПИРНАЗАРОВ ва бошқалар. Жами 23 имзо.

РЕДАКЦИЯДАН: Газетхонларнинг шикоятлари жуда ўринли. Улар ўз хатларида ҳар бир жойда тартиб-интизомга риоя қилиш зарур эканлиги ҳақида ёзишмоқда. Редакция юқорида номлари тилга олинган «Водоканал» трести, Ҳамза район газ идораси, «Главташпассавтотранс» бошқармаси, Октябрь район ободонлаштириш бошқармаси раҳбарларидан шу масала бўйича кўрилган чора-тадбирлар ҳақида конкрет жавоб кутади.

Луқма

Икки ой ўқилган мақола

Газетамизда «Бозордаги чайқовчилар» сарлавҳали танқидий мақола босилди. Ҳамма уни ўша куни ўқиди, лекин бевосита мутасадди ташкилот — Тошкент шаҳар бозорлар бошқармаси раҳбарлари эса ҳижжалаб роса икки ой ўқишди. Улар мақолани ўқишга тушганида ҳайдовчилик курсига кирганлар битириб чиқиб, гувоҳнома олишди...

Хуллас, саратонда ёзилган мақолага кузда дабдабали жавоб хати келди. Унда айтилишича, мақола барча бозор директорлари иштирокида ўқилиб (таъкид) муҳокама қилинган. Бошқармадагилар фактлар тасдиқланганини ҳам ортиқча ҳафа бўлмай таъкидлаб қўйишган. Бу — биз танқиддан ҳамиша тўғри хулоса чиқариб оламиз дейишганни шекилли.

Афсуски, шундай эмас экан. Йўқса бошқармадагилар конкрет иш билан шуғулланмай, бозорларда қанча савдо хизматги бюроларни тузганию, келгуси йилга қанча тузишни мўлжаллаб юришганини бизга ёзиб юборганини қандай тушунса бўлади!

Чайқовчи бозорда. Бозор эса бошқармага тегишли. Бу ерда тартиб ўрнатиш, аҳолига холис ва ҳалол хизмат кўрсатишни ташкил этиш ўрнига бошқармадагилар савдо хизматги бюроларини реклама қилиб юришибди.

Бошқармадагилардан бошқа жавоб кутгандик...

Мақсад ЯХШИЕВ.

2 ТОШКЕНТ БЕТ ОҚШОМИ
11 ОКТЯБРЬ, 1984 й.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

БОЛГАР—СОВЕТ ДЎСТЛИГИ КУНЛАРИ

СОФИЯ. (ТАСС). Бу ерда Болгарияда Социалистик Революция ғалабасининг 40 йиллигига ва Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 67 йиллигига бағишланган Болгар—Совет дўстлиги кунлари бошланди. Кунларнинг тантанали очилиш маросимида БКП Марказий Комитети Бош секретари, ҲХР Давлат Кенгашининг Раиси Т. Живков, мамлакатнинг бошқа партия ва давлат раҳбарлари иштирок этдилар. Болгар—Совет дўстлиги Умумхалқ Комитетининг Раиси Н. Папазов тантаналарда сўзга чиқиб, болгар халқи совет халқи билан қадрдон дўст эканлигидан фахрланишини, Болгарияда Совет Иттифоқи кунларининг ўтказилиши шу дўстликни мустаҳкамлашга қўшилган яна бир салмоқли ҳисса бўлишини айтди.

Болгар—Совет дўстлиги кунларида РСФСР делегацияси қатнашмоқда. Софияда ва мамлакатнинг бошқа шаҳарларида минглаб болгар томошабинлари бир ой давомида атоқли совет ижодий коллективларининг, шу жумладан СССР Давлат камер оркестри, Давлат академик рус хори капелласи, Дон казаклари ашула ва рақс ансамблининг санъати билан таниша оладилар. Пойтахтдаги «Универсиада» залида «Совет Россияси» виставкаси очилади.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

УЛАН-БАТОР. Оммавий кўчат ўтқазиш — ҳозирги вақтда Монголияда ўтаётган анъанавий табиатни муҳофаза қилиш ойлигининг муҳим таркибий қисмидир. Республика шаҳар, ва посёлкаларининг аҳолиси ишдан бўш вақтда янги-янги парклар, хиёбонлар ва боғлар барпо этмоқдалар. МХРнинг энг катта шаҳри Улан-Баторнинг ўзидагина табиатни муҳофаза қилиш ойлиги давомида юз минг туп дарахт ва бута кўчати ўтқазилди. Ёшларни «яшил дўстлар»га нисбатан авайлаб муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашга кўмаклашувчи кўпдан-кўп суҳбатлар, лекциялар, тематик кинокўриклар ва бошқа пропаганда тадбирларини ташкил этишга катта эътибор берилмоқда.

* * *

ПАНАМА. Қўшма Штатлар Марказий Америка давлатларининг ички ишларига аралашиши ҳамон кучайтириб, региондаги миллий озодлик ҳаракатини бостиришга, илғор ташкилотларни тугатишга, меҳнаткашларнинг социал-иқтисодий ғалабаларини йўққа чиқаришга жон-жаҳди билан уринмоқда. Панама суверенитет ва тинчликни ҳимоя қилиш миллий кенгашининг фахрий раиси Эстер Мария Оссес ТАСС мухбири билан суҳбатда ана шу ҳақда гапирди. Рейган маъмурияти Никарагуага қарши авж олдирган эълон қилинмаган уруш ҳамон давом этмоқда, деди у.

* * *

ДЕҲЛИ. Бу ерда таниқли ҳинд публицисти, Ҳиндистон қўшилмаслик ҳаракати институти бош секретари Г. Н. Шриваставанинг «Ҳиндистоннинг қўшилмаслик сиёсати ва ялпи тинчлик» деб аталган китоби босмадан чиқди. Муаллиф қўшилмаслик ҳаракати олдида турган энг муҳим проблемаларга тўхталиб, АҚШ бошчилигидаги ғарб давлатларининг қўшилмаган мамлакатлар бирлигини қўпоришга қаратилган уринишларини фош этади.

Тинчлик ва ялпи қуролсизланиш учун кураш қўшилмаслик ҳаракатининг бош вазифасидир, деб уқтиради автор. Тинимсиз қуролланиш пойгаси натижасида ёш мустақил давлатлар ўз экономикасини ривожлантириш учун, очлик, қашшоқлик, саводсизликка қарши курашиш учун ғоят зарур бўлган маблағларидан маҳрум бўлмоқда.

ЯНГИ ХАЛҚАРО АЭРОПОРТ

ЖАКАРТА. Индонезия пойтахтида «Ченкареng» янги халқаро аэропорти ишлай бошлади. Аэропорт 2.400 метр узунликдаги иккита учиш-қўниш полосасига эга. Замонавий навигация ускуналари бир соатда 74 та самолётга хизмат кўрсатиш имконини беради.

ДУНЁ ШАҲАРЛАРИ ВА ПОЙТАХТЛАРИДА

БУДАПЕШТ. Венгрия пойтахтининг ишчилар райони — Ракошсентмихайда очилган янги поликлиника врачлари беморларнинг рўйхат карталарини изламасдан атиги бир неча секунд сарфлаяптилар. Бемор тўғрисида врач учун зарур ҳамма маълумотларни «эслаб қоладиган» электрон-ҳисоб машина ёрдамчи туфайли районда медицина хизматининг самарадорлиги анча ортди, мутахассислар ҳузурига кириш учун навбатда туришлар йўқолди.

Электрониканинг жорий этиш ВХР соғлиқни сақлаш системасини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Аҳолига медицина хизматини ривожлантиришга катта программасида мавжуд даволаш муассасаларини такомиллаштириш билан бирга янгиларини қуриш ҳам кўзда тутилади. Медицина илмий-тадқиқот муассасаларини ва олий мактаблар моддий-техника базасини мустаҳкамлашга, замонавий даволаш методларини практикага жорий этишни тезлаштиришга, янги препаратларни ишлаб чиқишга катта эътибор берилмоқда.

* * *

ВАРШАВА. ПХРнинг шимолидаги кичик бир Грифице шаҳри илгари кам истиқболли шаҳарлардан ҳисобланарди. Унинг кўлгина аҳолиси катта-катта саноат марказларига кетиб қолаётгандн. Халқ кенгашининг депутатлари мана шу проблемани ҳал этишга ёрдам бердилар. Улар бу ердаги «Гидрома» машинасозлик заводининг ишлаб чиқариш қувватини кенгайтиришни, ёшлар турлн ишчилик касбларини эгаллаб олишларига имконият яратишни таклиф қилдн.

Ҳозир «Гидрома» корхонасида иш қизиб кетган. Унинг цехларида турли қурилиш машиналарини ишлаб чиқариш учун зарур ускуналар тайёрланмоқда, деди завод директори В. Ковалевский, экскаваторлар, автопогрузчик ва кранларнинг конструкцияларида кенг кўламда ишлатилаётган гидравлик цилиндрлар ва кўп поршенли насослар, шахталарнинг механизациялашган ускуналари—шулар жумласидандир. Завод бундан ташқари ҳар йили қариёб 2 миллиард злотийлик гидравлик юритқичлар ҳам ишлаб чиқармоқда. Шу маҳсулотларнинг 20 процентн экспортга, аввало Совет Иттифоқи, бошқа социализм мамлакатларига чиқарилмоқда.

* * *

УЛАН-БАТОР. Пойтахтдаги кўн корхоналари бирлашмасининг коллективи 20 дан кўпроқ янги харидоргир моллар тайёрлашни ўзлаштирди.

Бу ерда тайёрланаётган маҳсулот ҳаммага таниш. Пойабзал, чарм, кийим-кечак, ҳар хил атторлик молларн ҳамиша харидоргир. Бу муваффақиятлар тасодифий эмас. Коллектив маҳсулот сифатини комплекс бошқаришнинг Львов системасини қўллаб, кейинги йилнинг ўзидагина бирлашма тайёрлаб чиқараётган юз хил номдаги маҳсулотга биринчи сифат категорияси берилишига муваффақ бўлди.

СОВЕТ ВЕТЕРАНЛАРИ — БЕЛГ[illegible]

МЕҲМОНЛАРИ

БЕЛГРАД. Совет уруш ветеранларини фашист босқинчиларидан озод [illegible] жангчиларнинг қатнашчиларидан бир [illegible] ерга келди.

Совет Иттифоқидан келган фарзанларини Белград шаҳар скупщинасининг [illegible] данович қабул қилди, улар Югославлик урушн курашчилари бирлашмасининг шаҳар комитетининг вакиллари бўлдилар. Меҳмонлар Янқин деган жойлар Баницадаги қамоқ лагерида ватанпарварларнинг ёдгорлиги пойдевориш[illegible].

Совет уруш ветеранлари мамлакатларида сафар қиладилар, Югославия пойтахти Югославия жангчиларн томонидан фашистларнинг қатнашчиларидан озод этилганлигининг [illegible] бағишланган тантаналн тадбирларда қатнашдилар.


РЕЙГАН СИЁСАТИГА ҲУКМ ЧИҚ[illegible]

БРЮССЕЛЬ. Бельгия пойтахтидаги [illegible] буот марказида «Халқлар доимий трибунали» аъзоларн маҳаллий ва чет эллик [illegible] билан учрашдилар. Учрашув чоғида [illegible] матнининг Никарагуага нисбатан агрессия га шу халқаро ташкилот чиқаргани [illegible] тилди. «Халқлар доимий трибунали»нинг бергани гувоҳликларини, экспертлосаларнн кўриб чиқиб, ҳужжатлар далиллар билан таништи, «АҚШнинг тинсодий ва ҳарбий соҳаларда Никарагуанитети ҳамда мустақиллигига нисбатан жиноий кирдикорлари исботланди, деб [illegible].

Составида таниқли юристлар, сиёсат арбоблари, олимлар, ёзувчилар бўлган доммий трибунали» ўз ҳукмида [illegible] га ва жаҳон жамоатчилигига мурожаат қарагуа халқининг қонуний ҳуқуқларига йўл қўймасликка ҳамда Қўшма Штатларга ёлланган сотқинлар аналга жиноятларга чек қўйишга» даъват қи[illegible].

МУҲИМ ҲУЖЖАТ

НЬЮ-ЙОРК. 24 мамлакат, шу жумладан Иттифоқнинг ташаббуси билан қабул қилинган таъсирн» тўғрисидаги резолюцияни БМТ Бош ассамблеяси махсус сиёсий муҳокамасига тақдим этилди. Ҳужжатда қинянинг инсонга таъсири проблемалари ўрганиш ва анализ қилиб турнш зарурлиги этилди. Табиий манбаларнинг атом ва атом электр станцияларидан фойдаланиш жалари, ядровий материалларни ташишнинг чиқитларнинг кўмиш хавф-хатари ларининг пайдо бўлиш тақдиқ проблемаларнинг фақат бир ташкил этади холос, деб уқтирди ҳужжатда Польша вакили. Ядро қуролсизлантириш давом эттирилаётганлиги алоҳида қайд қилинган. Атом радиацияси проблемасининг бирларни бўйича халқаро ҳамкорлик кенгайтириш пойгасинн тўхтатишга қаратилган чора-тадбирларни албатта ўз ичига олиши СССР ва Варшава шартномасига аъзо бўлган мамлакатларнинг ядро қуролларини тақлифларни ядро қуролининг тарқатилишининг олдини олиш, ядро қуролининг тарқатилишини тўхтатишга қаратилган ташкилотлар ташкил этишни пайдо бўлишини ҳам ўз ичига олиши лозим бўлган граждандарнинг тайёрламоқда.



Афғонистон [illegible] кратни [illegible] механизациялаш [illegible] туфайли [illegible] озодлик [illegible] қураш олиб [illegible] да. Республика [illegible] мплаатм [illegible] лик кошо[illegible] қилаётганлиги [illegible] жилоланб [illegible] талаб этмоқ[illegible]

СУРАТДА: [illegible] учун курашчи [illegible] катлар билан [illegible] митинги.

ТАСС ф[illegible]

ОИЛА ДАВРАСИДА СУҲБАТЛАР

ЯХШИ ХИСЛАТ — ГЎЗАЛ ФАЗИЛАТ

ИНСОН ҲУСНИ

● **Онлада энг ширин файзу-камол фарзандлардир, улар эр ва хотинни боғлаб турувчи олтин занжирга ўхшайди.**

● **Бир доно айтган экан: — Уйингдагилар сени кечқурун келишингни кутишса, ишхонанг. да ҳамма сени севиб, кўпгина ишлар сенинг ғайратинг билан бажариладиган бўлса, дунёда бахтли одамсан.**

● **Ҳикоят: Бир донишмандан сўрашди:**
— Яхши хотинлар қандай фазилатга эга бўлишлари керак?
Донишманд айтди:
— Яхши хотинларда уч фазилат бўлади. Биринчи фазилати ширинсуханлиги ва ҳилм табиатли, мулойим муомалали бўлишидир. Иккинчиси, саранжом-саришталик, учинчиси, онласини, умр йўлдошини ва фарзандларини севиб, садоқатли, иффатли бўлишидир.

● **Мақол: Хотиннинг садоқати — эрнинг саодати.**

Китоб жавонингизга

«ҲОВЛИ ОЛМА— ҚЎШНИ ОЛ»

Донишманд халқимиз дўстликни, ҳамкор-ҳамдардликни, яхши муомала-муносабатни, қўни-қўшнини қадрлашни доим эъзозлайди, шунинг учун «Ён қўшним — жон қўшним» деган ҳикмат ҳам бежиз айтилмаган.

Узоқдаги қариндошдан — ёнингдаги ёт яхши, дейишади. Бу нақлда ҳам катта мантиқ, ҳикмат бор. Ён қўшнимиз доим ҳол-аҳволимиздан, қувонч-ташвиш и м и з дан, сиҳат-саломатлигимиздан доим хабардор бўлиб, қўлдан келганча ёрдам беради ва кўнгил кўтаради. Шу маънода филология фанлари доктори, фольклоршунос олим Малик Муродовнинг «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилган «Ҳовли олма — қўшни ол» рисоласи диққатга сазовордир. Автор қўни-қўшнилар оқибати, яхши ва аҳил қўни-қўшнич и л и к нинг ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясида ҳам катта аҳамиятн борлигини, халқ донишмандлиги билан йўғрилган асарлар, ҳаётий удумлар, расм-русмлар ҳамда санъалардан келиб чиқиб, бу масалаларни қизиқарли тарзда ифодалайди.

Ижодкор халқимиз қўни-қўшнининг нақадар меҳрибон, ҳамкор-ҳамдардлигини қўшиқда шундай ифодалайди:

Бошга қўйиб
бахтимни,
Бўлиқ қилган ён
қўшним,
Ўғил-қизим бахтини,
Тўлиқ қилган ён
қўшним.

Китобда кўплаб ҳаётий лавҳалар, мақолматаллар, халқ қўшиқлари, ҳикоя ва ривоятлар келтирилган, буларда қўни-қўшниларнинг бир-бирларига оқибати, одамлар ўртасидаги меҳр-муҳаббат, яхшилик, инсонийлик мадҳ этилади.

Т. АШРАФХОНОВ.

● ПСИХОЛОГ ЎЙЛАРИ

БУРЧ ҲИССИ

«Октябрятлар группаларининг ишини такомиллаштиришга, кичик ёшдаги болаларга коллективда яшаш ва ишлаш маҳоратини ўргатишда ҳар томонлама ёрдам бериш, уларнинг кучларини фойдали, жамиятга керакли ишларга қаратиш: яхши ўқишга, меҳнатга тайёрланишга, ўзини намунали тутишга, катталарга кўмаклашишга ўргатиш лозим».

(КПСС Марказий Комитетининг «Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг Асосий йўналишлари» дан).

Ҳар бир киши ижтимоий ҳаётда ўз бурчини билмоғи, англамоғи ва шунга хос меҳнат кўникмасини олмоғи лозим. Мактаб ёшидаги болаларда бурч ҳиссини таркиб топтириш таълим-тарбияда муҳим роль ўйнайди. Бурч ҳисси инсон шахсининг хусусияти сифатида секинаста таркиб топа бошлайди. Бу мураккаб жараёнда мактабдаги ўқиш фаолияти билан боғлиқ бўлган жуда кўп омиллар таъсир қилади. Кузатувларимиздан маълум бўлишича, октябрятлар — биринчи-учинчи синф болалари ниҳоят даражада қобил, ўқитувчининг ҳар бир талабини сўзсиз бажарадиган бўладилар. Ўқувчилар табиатининг шу хусусиятларидан мактаб ва оилада оқилона фойдаланиладиган бўлса, улар характерида исталган ижобий хислатларни таркиб топтириш осонлашади.

Маълумки, мактабда бурч ҳиссининг таркиб топиши, биринчи навбатда ўқитувчининг ўз ўқувчиларига нисбатан талабчанлигига боғлиқдир. Ўқитувчи болаларга топширилган вазифани изчил текшириб, сўраб бориши лозим. Акс ҳолда, ўқувчи хаёлида: «Ўқитувчимиз берган топшириғини сўрамади, тайёрламасам ҳам бўлади», деб ўз бурчига, вазифасига бепарво қарашга одатланади. Худди шунингдек, оилада бола тарбиясига нисбатан лоқайд қарайдиган ота-оналар унга бирон ишни буюриб, натижаси билан қизиқмайдилар, ёки боланинг кундалик фаолиятини текшириб кўрмайдилар. Натижада болада бурч ҳисси сусаяди, унда лоқайдлик пайдо бўлади.

Болаларда бурч ҳиссининг юзага келиши учун мактабда ҳам, оилада ҳам шароит бўлиши керак. Ўз-ўзидан маълумки, мактабда ўқитувчи болаларнинг дарс тайёрлаб келишларини қатъиян талаб этади. Оилада ҳам худди шундай талабчанлик бўлиши керак. Бола ота-онасининг назорат қилиб турганлигини доим сезиб турадиган бўлса, унда масъулият ҳисси кучая боради. Масъулият ҳисси эса, бурч ҳиссининг зарурий замини бўлади. Болаларни сўзи билан иши бир бўлишга, ҳеч қачон ёлғон гапирмасликка одатлантириш керак.

Шуни уқтириш керакки, болаларда ишчанлик, меҳнатсеварлик одатини ҳосил қилиш бурч ҳиссини кучайтиради, зеро одатнинг бурчга айланиши унчалик қийин эмас. Ўқитувчи ёки ота-она томонидан топширилган вазифани ўз вақтида, тўлиқ ва аниқ бажариш боланинг меҳнатсеварлигини ва бурч ҳиссини яхши англаётганининг рамзи бўлади.

Психологик нуқтаи назардан олганда, боланинг бутун индивидуаллиги биринчи навбатда оиладаги ҳаёт билан боғлиқдир. Мактабда таълим-тарбия ишлари ҳамма болалар билан умумий тарзда олиб борилади. Ҳар бир оилада эса, ўзига хос таълим-тарбия услуби бор. Болаларда бурч ҳиссини таркиб топтиришда юзасидан мактабда қилинадиган ишлар билан оилада бажариладиган ишлар ўртасида умумийлик бўлмаса, мактабда олиб бориладиган ишларнинг кўп қисми натижасиз қолиб кетади, бошқача қилиб айтганда, болаларга ижобий таъсир этмайди: синф хонасини, ўқувчи ўзи ўтирадиган партасини, китоб-дафтарларини тоза тутиши, уйда саранжом-сариштелик, озодаликка эътибор бериши болаларда яхши фазилатларни таркиб топтиради.

Масъулиятни мутлақо сезмайдиган, бутунлай ўйинга бериб кетиб, ўқувчилик вазифаларини унутиб қўядиган болаларни масъулиятни аъло даражада сезадиган ўқувчиларга бириктириб қўйиш керак. Бунда яхши ўзлаштирадиган болаларда ўзларига топширилган муҳим назифаларни бажариш жараёнида бурч ҳисси янада ривожланиб, мустаҳкамланади. Иккинчидан, айрим бўш ўзлаштирувчи ўқувчиларнинг масъулиятини сезиш ва тақлидчанлик фаолиятини кучайтириб, ижтимоий бурч ҳиссининг таркиб топишига катта ёрдам беради.

Болалик — шўхлик, ўйинқароқлик каби ҳиссиётларга берилган бўлади, баъзан бола ўйинқароқликка ҳаддан ташқари берилиб кетиб, асосий бурч ҳиссини: уйга берилган вазифаларни бажаришни, кийим-кечакларини, дафтар-китобларини озода-тоза тутишни, уй ишларига ёрдам беришни, ота-оналари буюрган юмушларни бажаришни унутиб қўяди. Боланинг яхши кайфиятда ўйнаб, вазифа-бурчларини яхши кайфиятда бажаришига уйда ота-оналар, катталар, мактабда ўқитувчи-мураббийлар доим кўз-қулоқ бўлиб, уларни назорат қилишлари лозим.

М. РАСУЛОВА,
Қори-Ниёзий номли Ўзбекистон педагогика фанлари илмий текшириш институтининг илмий ходими.





● **Ўқитувчи дарс машғулотларидан кейин ўқувчиларининг ёзган ишларини диққат билан текширади, уларнинг билимига мос баҳо қўйишни ўйлайди [чапдаги сурат].**

● **Фарзандларимиз ўқишга, илм олишга жон-дилдан қизиқишади. Мароқли дарсни улар мана шундай ихлос билан тинглайдилар.**

В. Бектуганов фотоэтюдлари.



ЛИТВА ССР. Вильнюс кўчаларида «Ленфильм» киностудиясн Марказий телевидение буюртмаси билан «Онласиз» фильмини суратга олмоқда. Фильмдаги асосий ролларни бир қатор таниқли артистлар ҳамда Москва мактабларининг ўқувчилари ижро этишяпти.

СУРАТДА: фильмни суратга олиш пайти.

ТАСС фотохроникаси.

СЎРАГАН ЭКАНСИЗ...

УЙ АПТЕЧКАСИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Ҳурматли редакция! Уй аптечкаси қандай бўлади, унда асосан нималарни сақлаш керак?

М. ТУРСУНОВА, ўқитувчи.

Уй аптечкаси учун ёш болаларнинг қўли етмайдиган, уларнинг кўзидан холироқ, офтоб тушмайдиган қуруқ, озода бир бурчак кифоя қилади. Аптечкада биринчи навбатда ҳар хил размерли стерилланган ёки стерилланмаган бинтлардан бир ёки икки ўрамдан, стерилланган ёки оддий гигроскопик пахта, йод настойкаси (5 ёки 10 процентли), бриллиант яшили (зелёнка), калий перманганат (марганцовка), новшадил спирти (нашатирий спирт), термометр (албатта ғилофи билан), 1— 2 дона пипетка-най (ғилофда), 1—2 дона шиша кураква, лейкопластирь ва грелка бўлиши лозим. Булардан ташқари, аптечка қуйидаги дори-дармонлар билан тўлдирилади.

Ичимлик содаси — оғиз бўшлиғини чайиш ва ошқозон кислоталигига қарши, борат кислота— кучсиз дезинфекцияловчи модда сифатида 1— 2 процентли эритма тайёрлаб оғиз бўшлиғи чайилади, активлаштирилган кўмир таблеткаси «Карболен» — ошқозонда ҳосил бўлган елни ўзига суради, яна оғиз орқали заҳарланишда заҳарли моддани ўзига тортувчи восита сифатида ишлатилади. «Бесалол» таблеткаси — оқшозонончак системаси таранглашганда мушакларни юмшатиб оғриқни қолдиради, «Гидроперит» таблеткаси — эритиб яралар чайилади. «Фурацилин» таблеткаси — эритиб оғиз ва томоқ бўшлиғини чайиш ҳамда яраларни ювиш учун қўлланилади. «Анальгин», «Аспирин» таблеткалари — булар оғриқ қолдириш ва иситма туширш учун истеъмол қилинади, йўталга қарши таблетка, «Валидол» таблеткаси ёки томчиси —нерв системасини тинчлантиради, кўнгил айнишини йўқотади, юрак уришини яхшилайди.

«Кордиамин» эритмаси— юрак уришини бир меъёрда ушлаб туриш учун сувга 20—30 томчидан қўшиб ичилади, тиш томчиси, глицерин эритмаси ва оддий ёки борний вазелин — чанг таъсирида ёрилган қўл терисини юмшатади. Яна аптечкада алоҳида суюқ дорилар истеъмол қилиш учун ўлчов белгиси бўлган стаканлар бўлиши тавсия этилади.

Аптечкада сақланаётган дориларнинг ҳаммаси ўз қутичаларида ёки пакетчаларида сақланиши лозим ва уларнинг номлари аниқ ҳамда равшан ёзилган бўлиши шарт.

Кези келганда шуни эслатиш лозимки, айниқса, термометрга эҳтиёт бўлиш керак, уни ёш болаларнинг ихтиёрига бериб қўйманг, чунки термометр синса, унинг ичидаги симоб ҳар тарафга сачрайди ва симоб, металл бўлишига қарамай, буғланиб туради. Симоб буғи ниҳоятда заҳарли! Шунинг учун термометрни ғилофи бўлишига қарамай алоҳида картон қутичада сақлаш тавсия қилинади. Яна шуни таъкидлаш керакки, таркибида спирт сақлаган эритмалар кўз атрофига сурилганда, кўзга бирорта ҳам томчи тушмаслиги лозим.

Дорихоналарим и з дан юқорида кўрсатилган дори-дармонларнинг баъзи комплектларини автомобиль ва бошқа турдаги тайёр аптечкалар сифатида сотиб олиш мумкин.

У. АБДУЛЛАЕВ, доришунос.

Фарзандларингизга ўқиб беринг

ҚАТРА

ЯХШИ БОЛА

Кўп қаватли уй олдидаги скамейкада учтўрт аёл болаларини ўйнатиб ўтиришарди. Шу пайт таниш почтальон Холисхон аяга бир даста газета берибкетди. Ая газеталарни кўздан кечириб, бир мақолани ўқигиси келди-да, нарироқда икки ўртоғи билан волейбол ўйнаётган ўғлини чақирди:

— Тоҳиржон, ўғлим, уйдан кўзойнагимни олиб туш, столнинг устида қолганди.

Тоҳиржон югуриб кетди. Бир оздан кейин қайтиб келди-да:

— Ойижон, кўзойнагингиз стол устида йўқ, қидириб тополмадим, — деди.

— Китоб жавонининг устига қўйгандирман, яхшилаб қара, — деди Холисхон ая.

Тоҳиржон яна югуриб уйга кириб кетди-да, анчадан кейин маъюс тортиб қайтиб келди:

— Ҳаммаёқни қарадим ойижон, шкаф устида ҳам, ёзув тортмангизда ҳам йўқ... Қаёққа қўйгандингиз?

Холисхон ая бир зум ўйланиб турди-да, ўғлига ачингандек, лекин жилмайиб гапирди:

— Эсим қурсин, боя бозордан келгач, кўзойнакни сумкамга солиб қўйган эдим... Чоп ўғлим, сумкамдан олиб туша қол.

Тоҳиржон кулимсираб уй томон югуриб кетди-да, бир зумда кўзойнакни ойижонисига олиб келиб берди. Сўнг: «Ойижон, энди ўйнайверсам майлими», — деди.

— Ўйнайвер ўғлим, барака топ, — деди Холисхон ая.

Тоҳиржон яна ўртоқлари билан волейбол ўйнашга киришиб кетди. Қўшни аёллар унга ҳавас билан қараб қолишди:

— Ўғлингиз қобил бола, жуда ғайратли бола, — деди ўқитувчи бир аёл. — Қаранг, кўзойнагингизга уч марта юбординг, ҳеч йўқ демай бориб келди... Баъзи болалар бўлса, бир марта борарди-ю, «Мен кўзойнагингизни тополмадим, ўзингиз бориб топиб келинг», деб ўжарлик қиларди. Тоҳир қобил, яхши бола экан.

Диловар АБДУВОСИЛОВА.

БИР ШИНГИЛ ТАБАССУМ

— Сизни кўрганимдан беҳад шодман, — деди паришонхотир профессор аёл танишига, — қалай, эрингиз яхши юрибдими!

— Ахир мен турмушга чиқмаганман...

— Эҳ-ҳа, сизнинг эрингиз бўйдоқ-а!

• • •

Альберт ўз ўртоқларига кеча хотини билан тортишиб қолганини гапириб берган эди, бир дўсти ундан:

— Хўш, охирги сўзни ким айтди! — деб сўради.

— Мен-да! — дея мақтанди Альберт. — Мен унга «Майли, сотиб ола қол» дедим.

• • •

Узоқдан келган меҳмон ресторанга кирибофициантка га:

— Менга иккита чала пиширилган тухум, бир стакан кофе келтиринг ва икки оғиз ширин сўз айтинг, — дедн.

Официантка унинг айтганларини стол устига келтириб қўйди ва эгилиб унинг қулоғига:

— Икки оғиз ширин сўз айтинг дегандингиз, сэр. Сиз бу тухумларни еманг, — дедн.

• • •

— Бирон нарсани хаёлингиздан чиқариш учун нимоқчимисиз! — деб сўради буфетчи.

— Албатта-да!

— Ундай бўлса, пулни олдиндан тўлаб қўйинг-чи!

• • •

— Менинг икки дўстим ойнадан ким узоқ осилиб туришга гаров ўйнашди.

— Хўш, кейин...

— Шубҳасиз улардан бири ютиб чиқди.

• • •

Уйга кеч қайтган эр холодильник устидаги хатни олиб ўқиди:

«Сенга аталган котлетлар итнинг ошқозонида».

Ф. ҒАФУРОВ тўплаган.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ СВЕТОФОРИ

Диққат, йўлда қоидабузар!

Пахта термин авжида. Минглаб шаҳарликлар— корхоналар ва ташкилотлар, олий ўқув юртлари, техникумлар, мактабларнинг вакиллари республика далаларида меҳнат қилишяпти. Улар ўзларининг жасоратли меҳнатлари билан республика юбилей йилининг катта «оқ олтин» хирмонига ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Шу муносабат билан пахтачилик колхозлари ва совхозларига олиб борувчи йўлларда автомобиль ҳаракати анча кўпайди. Автомобилларда оталиқдаги хўжаликларга ҳашарчилар, озиқ-овқатлар ташиляпти, ҳосил пахтага ишлов берувчи заводларга жўнатиляпти.

Айниқса шу кунларда Тошкентдан Янгийўл томонга кетган Катта Ўзбек трактида транспорт серқатнов. Бу йўл орқали ҳар соатда юзлаб машиналар ўтяпти. Уларнинг кўпларн йўл варақасида кўрсатилганига мувофиқ шаҳардан аниқ топшириқ билан чиқяпти. Йўловчи машиналарда ўз болаларнинг соғинган ота-оналарини ва шунчаки сайрга чиққан шахсий автомобиль эгаларини ҳам учратиш мумкин. Улар ўз сайр-саёҳатларн билан йўлдаги асосий ҳаракатга, бунинг устига муҳим давлат вазифаси бажарилишига халақит беришяпти.

Одатдагидек, уларнинг орасида йўл-транспорт интизомини бузувчилар кўпроқ учраяпти. Чунончи, шу йилнинг 6 октябрь куни область ГАИси ходимлари томонидан Тошкент экспериментал-фурн и т у ра пластмасса заводи ходими А. Абдуллабеков ушланди. У маст ҳолда ўз «Запорожец»ни «Е 35—09 ТН»да Оқкўрғон томон кетаётган эди.

Кейинги кунн «КАВЗ —685» «12—71 ТНП» хизмат автобусида Тошкент тўқимачилик комбинати автокорхонаси ҳайдовчиси Л. Угай ушланди. У Янгийўл районидаги корхона механизаторлари орқа мия 70 кун ичида тўлиқ тикланиши ва балиқ травма олгунга қадардагидек суза олиши аниқланди. Тажриба натижаларн одам орқа мия жароҳатини даволаш истиқболини очиши мумкин.

Бу ҳодисалар шундан далолат берадики, республикамиз учун долзарб паллада корхоналарнинг раҳбарлари томонидан ҳайдовчилар бўш назорат этмляпти. Ҳозир ҳар бир киши етмиштирилган «оқ олтин»нинг бутун ҳосилини ўз вақтида териб олиш ва жўнатиш ҳанчалик муҳим эканини ҳис этмоғи ва бунга халақит бермаслиги, аксинча ҳар томонлама ёрдам кўрсатмоғи даркор.

ОҚШОМ НАСИБАСИ

Турпи таомлар

Турпни арчиб жимжилоқ катталигида, яъни «қайроқча» усулда, гўштни эса лўндалўнда ёки «чувалчанг» усулида, пиёзни ҳалқа-ҳалқа қилиб тўғрайсиз. Ҳар учала маслликни аралаштириб керагича туз, мурч ва зира сепасиз-да, кастрюлькага солиб юзи билан баробар сув қуйиб қопқоғи жипс ёпилган ҳолда бир соат милтиратиб пиширасиз. Таомнинг номи — турп димлама.

• • •

Икки юз грамм турп, 500 грамм гўшт, 2 бош пиёз, 500 грамм макарон, 2 ош қошиғида томат пастаси, таъбга кўра туз ва мурч.

Макаронни тузли сувда қайнатиб, совуқ сувда чайқаб олиб қўясиз. Қозонда ёғни доғлаб пиёз жажлайсиз, сўнг лўндалўнда қилиб тўғралган гўштни солиб сели чиққунча қовурасиз, томат пастасини солиб яна бир оз қовургандан сўнг, сомонча қилиб тўғралган турпни соласиз-да, дарҳол сув қуясиз ва бир соат давомида милтиратиб қайнатасиз, туз ва зираворлар сепасиз.

Дастурхонга тортишда косага пиширилган макарондан солиб, устидан турпли ва гўштли қайлани қуйиб келтирасиз. Таомнинг номи — макарон лағмон.

• • •

Икки дона ўртача катталикдаги турп, 600 грамм лаҳм гўшт, 4 бош пиёз, туз ва зираворлар таъбга кўра олинади. 500 грамм ун, 1 дона тухум, 0,5 стакан сув, 1 чой қошиқда туз.

Хамир қориб, мантига жилд кесасиз. Қиймасига турп қўшилади. Бунинг учун турпни арчиб қалинлиги ярим сантиметр келадиган қилиб парракларига териб пиширилган турпни кубикча, яъни «нўхотча» қилиб тўғрайсиз-да, гўшт ва пиёздан тайёрланган қиймага аралаштириб юборасиз. Таомнинг номи — турпли манти.

К. МАҲМУДОВ, пазанда.

Суд залидан

ҚАЛЛОБЛАР ЖАЗОСИНИ ОЛДИ

(АТЕИСТИК МАВЗУДА)

Ҳикоят қилишларича, бир киши одамларнинг кўйини ўғирлаб, гўштини ҳидойи қиларкан. — Нега бундай қиласан! — деб сўрашса, у шундай жавоб қилибди:

— Эй, биродарлар, ҳудойимнинг савоби кўй ўғирлаганимнинг гуноҳини қоплайди, ёғ билан чарви эса ёнга қолади. Наҳотки шуни ҳам тушунмасаларинг!

Анвар Ризаевнинг баҳонаси кишини ҳудди ана шу кулгили ниҳоятни эслатади. У табиатан динга ишончмайди. Лекин «гуноҳи азимга ботиб», қинғир ишларга қўл уради—диний китобларни чоп этиб, тарғиботчиларга мўмайинга пуллайди. Унга ана шуннинг савоби етармиш...

Лекин гап бошқа ёқда. Унга ҳеч қандай савоб керакмас. У аслида пул бандаси. Ҳамма нарсани пул билан ўлчайди, пулга чақади. Унга қудратли куч, сеҳрли жоду, дея эътиқод қўяди, сажда қилади.

«Ҳали ҳам динга ишонувчилар бор, — деб ўйлайди у ўзича. — Диний китобларни ўн баробар нархига олувчилар топилади. Кимсан — Тошкент область статистика бошқармаси ҳисоблаш марказининг нусха кўпайтириш бўлимн бошлиғи бўлсам. Қўл остимда ҳамма нарса бор. Бир имо қилсам, хизматимга тайёрлар ҳам топилади. Бир-икки соатда хоҳлаганча диний китобларни чоп этишим мумкин. Қарабсизки, китоб эгасининки, савоби ила муллажирнинги бизниккида!»

Доно мияснинг тўлдирганн қайғурса, нодон қорнини тўйдирганн қайғурадн, деганлари шу бўлса керак. Анвар Ризаев юрса ҳам, турса ҳам кўз ўнгида «осмондан тушаётган» — «бебилнска» пуллар кўзига кўринниб кетаверди. «Эшонининг қорни бешдир, бирн ҳамиша бўшдир», дея ишга кирншдн. «Ислом динн нима»! — деган диний китобчанн чоп этаётиб, кўзларн бенхтиёр шундай сатрларга тушдн: «Дўзах бебаҳо умрнни нафсига қулчилнкда ўтказган, ҳаёт ҳақиқатинн тушунмаган жоҳилларнинг абадий жазоланадиган жойидир».

Лекин бу сўзлар Анварга қилча таъсир этмадн, нафс жиловнни тортмадн. «Бўлмағур сафсата, дея қўл силтадн у. —Бунга содда кишилар ишонаверишсин. Ҳақиқат— осмонда, калнтн червонда».

Бнроқ оз бўлса-да Анварнинг юрагнга ғулғула тушдн. «Айрилганнн бўрн ер» деганларндек, «шарматга хизмат қилишдек бу олнйжаноб йўл»да ёлғиз ўзн от чоптирғнсн келмадн. Ўз «фалсафаси»нн қўл остндагнларга ҳам тезда сингдирнб юборднн. Бундай разил ҳамтовоқлар ҳар жойда топилганндек, бнр зумда печатчн Евгений Артемьев, муқоваловчн Туроб Муҳамадхўжаев, аппарат созловчнсн Михаил Луконкнн, диспетчерлнк бўлнмн бошлнғн Одил Маҳмудов, ғнрт бекорчн, ншёқмас Евгений Кнреевлар ҳам Ризаевнннг «этагнннн тутдн»лар, «сиз пирмиз» дея унга «нхлос» қўйдилар, атрофнда ярага ёпишгаи пашшалардек «гнрдикапалак» бўлнб қолншдн.

Ҳамтоволар шу тарнқа беш йнл мобайннда диннй китобларнн чоп этнш билан машғул бўлдилар. Улар дастлаб «Мавлуд» китобндан 1000 та нусха кўчнрнб, диннй китобларнн ташвнқот қилншда донг чнқарган Бозорбоев деган кнмсага 1.800 сўмга пуллашдн. Қаллоблар давлат техникаси, давлат маблағи ҳнсобнга чўнтакларнни қаппайтирдилар. Орадан кўп ўтмай Бозорбоев яна қуллуқ қилиб келиб қолдн:

— Йнгнтлар, «Мавлуд»дан яна 1000 та керак...

Қаллобларнинг чўнтагнга яна 1.800 сўм тушдн. Лекин учнчнсида ўғрнни қароқчн урдн. Бозорбоев 1000 та «Мавлуд»нн насняга олнб, жуфтакни ростлаб қолдн. Бунн қарангкн, диннй китобларда айтилганндек, бнровнннг ҳақнга хнёнат қнлган Бозорбоевга бало урмадн, худонннг қаҳрнга учрамай, қорнннн қаппайтирнб юрибдн... Ризаев, Луконнн, Артемьев, Кнреевлар давлат омборндан ўғирланган қоғозлар ҳнсобнга яна 1.000 та «Ҳафтяк»нн чоп этнб, унн Бекхўжаев деган кнмсага 3.200 сўмга пуллайдилар. «Ислом динн нима!» деган китобнн ҳам Бекхўжаев қўйнига урадн. «Чор китоб»нннг 1000 донасннн 1.800 сўмга Умаров деган кнмсага пуллайдилар. Умаровнннг нафсн ҳакалак отнб, «Ислом динн нима!» китобндан 2000 тасннн 1.800 сўмга сотнб олади. Борган сарн қаллобларнннг мнжозларн кўпайнб бордн. Бозорбоев, Бекхўжаев, Умаров, Қаҳҳоров, Ғоффоров деган текнкхўр кнмсалар мунтазам равншда диннй китобларнн олнб, устама нархда содда кншнларга пуллаб келадилар... Қаллоблар ўз «фаолнятларн» давомнда 22.000 нусха диннй китобларнн чоп этдилар, давлатга 1.302 сўм зарар келтирдилар.

Мннг афсускн, ҳалн орамнзда динга ншонувчилар, диннй китобларга «ҳавас» қўйган кншилар учраб турадн. Худди мана шу кншилар қаллоблар учун оддийгина «емнш» экангликларнни, уларга жнноят учун йўл очнб бераётганликларнн тушунмайдилар. Акс ҳолда улар бу жнноятга қўл урмаган бўлур эдилар.

Марксизм-ленинизм класснкларн динн тўғрнсида аннқ маълумот берганлар. Дин бузнб ташвнрланган, сохта дунё қараш бўлнб, одамларнннг онгн ва феъл-атворнга салбнй таъсир этадн.

Бу ҳақда Ўзбекнстон Компартнясн Марказнй Комнтетнннг XVI пленумнда ҳам уқтнрнб ўтнлдн. «...Одамлар онгн ва феъл-атворнга реакцнон сарқнтларга қаршн, нстеъмолчнлнк психологнясига, қолоқ урф-одатларга ва анъаналарга, ҳаддан ортнқ ҳашамдор тўй-томошаларга ва маъракаларга қаршн курашдагн ҳужумкорлнк ва таъсирчанлнк бўшаштнрнб юборнлган.

Партня ташкилотлари баъзан одамлар онгндагн ўтмшн сарқнтларнни соцнал хавф-хатарнга етарлн баҳо бермаётганлнкларнни, коммунистларнннг диннй маросмларда қатнашмш ҳолларн учраб турганн сир эмас...»

Ўйш, шахсий чўнтакларнни қаппайтнрнш мақсадида қаллобликка қўл урган фельетонимиз «қаҳрамонлари»-чи! Улар қанчадан-қанча кншиларнннг онгнни заҳарлаганликларнни бнлармнканлар! Қандай жнноятга қўл урганларндан хабардормнканлар!

Ҳа, уларнинг пешоналарн деворга «тақ» этнб тегдн. Кўзларн «мошдек» очнлдн. Тошкент шаҳар Куйбншев район халқ судн судьяси Мкрадҳам Мирзуфаров бошчнлнгндагн суд ҳайъатн уларнинг «ташвнқотчнлнк фаолнятларн»га сўнгги нуқта қўйдн. Улар қилмншларнга яраша жазо олдилар. Қаллоблар бошлнғн Анвар Ризаев беш йнлга, Евгеннй Артемьев, Михаил Луконкнн, Туроб Муҳаммадхўжаев, Евгеннй Кнреевлар тўрт йнлга, Владнмнр Мншунин уч йнлга, Одил Маҳмудов эса шартлн равншда уч йнлга озодлнкдан маҳрум этнлдилар. Улар жазо муддатнни [О. Маҳмудовдан ташқарн] кучайтнрилган режнмдагн аҳлоқ тузатнш меҳнат колонняснда ўтайдилар. Шуннгдек, қаллобларнннг мол-мулкларн мусодара қнлннди.

Лекин ҳақлн бнр савол туғнлади. Ннма учун Тошкент область статнстнка бошқармаси ҳнсобласш марказн раҳбарларн тумшуқларн остнда бўлаётган бу воқеаларга панжа орасндан қараб келдилар! Наҳотки, улар «босмахонада» бўлаётган қаллобликнннг ҳндннн сезмаган бўлсалар!

Т. ТОШЕВ.

Ҳайвонот олами сирлари

ИЛОНБАЛИҚЛАР ДАВОЛАНАДИ

Бостон университетн қошндагн Океанологня ннстнтутнда умуртқасн жароҳатланган илонбалиқларнн тўқнма ва ҳужайраларнн қайта тнклаш йўлн билан даволаш бўйнча тажрнбалар олнб борнлмоқда. Ҳозирда жароҳатланган орқа мня 70 кун нчнда тўлиқ тнкланншн ва балиқ травма олгунга қадардагндек суза олнши аннқланди. Тажрнба натнжаларн одам орқа мня жароҳатнни даволаш нстнқболнни очншн мумкин.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

3 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

11 ОКТЯБРЬ. 1984 й.

МАКУЛАТУРА ТОПШИРУВЧИ ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Барча қабул пунктларида Э. ЗОЛЯнинг «ЖЕРМИНАЛЬ», Э. ВОЙНИЧнинг «Сўна», Ж. ЛОНДОНнинг «МАРТИН ИДЕН» ва А. ҚОДИРИЙнинг «ЎТГАН КУНЛАР» китоблари учун абонементлар етарли миқдорда мавжуд.

Қабул пунктларида Р. САБАТИНИнинг «КАПИТАН БЛАД ОДИССЕЙИ» китоби учун абонементлар реализация қилинади.

12, 19, 26 октябрь кунлари ҳар бир қабул пунктига 50 тадан абонемент тарқатилади.

13, 14, 20, 21, 27, 28 октябрда ҳар бир қабул пунктига 120 тадан абонемент тарқатилади.

Р. САБАТИНИНИНГ «КАПИТАН БЛАД ОДИССЕЙИ» китоби учун абонемент бир вақтда 10 килограмм макулатура топширилгандан сўнггина берилади.

Абонемент 20 килограмм макулатура топширилгач унда кўрсатилган китобни олишга кафолот беради.

Маркалар олиш учун макулатуралар фақат абонемент кўрсатилган тақдирда қабул қилинади.

Абонементларни реализация қилиш жума куни 18.00 дан, шанба ва якшанба кунлари 9.00 дан бошланади.

Бошқа кунларда макулатура абонементлардаги маркалар комплектини тўлдириш учун қабул қилинади ҳамда макулатура ва иккиламчи хом ашё 52-01 прейскуранти асосидаги иккиламчи хом ашё харид нархларига мувофиқ: топширилган 1 килограмм макулатура учун 2 тийин, топширилган жун ва ярим жун латта-путталар учун 16 тийин, топширилган ип газлама, зиғир толали ва бўз латта-путталар учун 6 тийин баҳосида ҳақ тўланиб қабул қилинади.

Пунктларнинг иш режими: ҳар куни (жумадан ташқари) 9 дан 18.00 гача, танаффус 13 дан 14.00 гача; жума куни— 11 дан 20.00 гача, танаффус — 14 дан 15.00 гача.

Дам олиш куни— душанба.

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

Макулатура гражданларнинг турар жойидан қатъий назар, жонли навбат тартибида, алоҳида турлари бўйича: газеталар, китоб—журналлар, рўзғор картони ва ўроп қоғозлари ўрам қилиб боғланган кўринишда қабул қилинади.

ҲУРМАТЛИ ГРАЖДАНЛАР!

Макулатура ва иккиламчи хом ашёни абонент олиш учун қабул пунктларига актив равишда топшириш адабиётларнинг савдо тармоғига тезроқ етиб келишига кўмаклашади.

Абонементлар берилиши юзасидан маълумотлар олиш учун 48-04-93 телефони орқали мурожаат қилинг.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТАЙЁРЛАШ КОРХОНАСИ.

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

ШАҲАР ОЗИҚ-ОВҚАТ ЧИҚИНДИЛАРИНИ ТЎПЛАШ ИДОРАСИ

нон, крупа ва бошқа унли маҳсулотлар чиқиндиларини нақд пул эвазига — ҳар килограммни учун 12 тийин баҳосида тўлашни уюштиради.

Озиқ-овқат чиқиндилари 8.00 дан 19.00 гача, танаффус— 13.00 дан 15.00 гача, дам олиш кунларисиз қуйидаги адресда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, Гоголь кўчаси, 38-уй («ВЛКСМ 30 йиллиги» кинотеатри қаршисида).

ЛЕНИН РАЙОНИ 3-ҚУЙИЛИҚ МАССИВИ 34-ЖЭК, 17-уй («Олимпия» кафеси ёнида);

АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОНИ, 11-квартал, 65-ЖЭК, 41-уй сут комбинати қаршисида.

ЧИЛОНЗОР РАЙОНИ, 17-квартал, 32-уй (метронинг «Чилонзор» станцияси).

ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР!

НОН ҚОЛДИҚЛАРИНИ ТОПШИРИШДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИНГ!

Шуни ёдда тутингки, сиз тўплаб берган 10 килограмм нон, килограмм крупа қолдиқлари шаҳар аҳолисига сотиш учун 1,5 килограмм гўшт етиштириш имконини беради.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети

4-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ ФИЛИАЛИ
(собиқ 46-кечки ўрта ҳунар-техника билим юрти)
1984-85 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

радиотелевизион аппаратуралари ремонти ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича радиотелемеханик — ҳақ тўланадиган группа, ўқишни тугатгач ишга киришда эркинлик берилади: телефон ускуналари монтажи бўйича алоқа механиги, 09 ахборот—справка хизмати телефонисти, кабелчи — кавшарловчи, шаҳар телефон станциялари электр монтёри, почта вагони бошлиғининг ёрдамчиси, почта алоқаси сортировкачиси.

Алоқа монтажчилари, шаҳар телефон станциялари электр монтёри ва 09 ахборот-справка хизмати телефонисти группаларига Тошкент ва бошқа шаҳарларда прописаси бўлган 8—10 синф ҳажмида маълумотли 16 ва ундан катта ёшдаги қизлар; кабелчи-кавшарловчи, почта вагони бошлиғининг ёрдамчиси ва почта алоқаси сортировкачиси группаларига 8—10 синф ҳажмида маълумотли 17 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ўқишга кирганларга танлаган касбига қараб 56—75 сўм миқдорида стипендия тўланади.

ЎҚИШ МУДДАТИ — БИР ЙИЛ.

Билим юртини битирган ўқувчилар (радиотелемеханиклар бундан истисно) база корхоналарига: Тошкент шаҳар телефон тармоқлари бошқармаси район станцияларига, «Союзтелефонстрой» трести қурилиш-монтаж бошқармаси ва «Узбектелефонстрой» қурилиш-монтаж бошқармасига, Тошкент темир йўл почтамтига ишга юбориладилар.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАР ТЎЛИШИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.

Билим юртини муваффақиятли тугатган ўқувчилар ўрта ва олий ўқув юртларига кириш учун имтиёзлардан фойдаланадилар.

Зарур бўладиган ҳужжатлар: билим юрти директори номига ариза, таржимаи ҳоли, турар жойидан справка, соғлиғи тўғрисида справка (286-форма), 4 дона фотосурат (3Х4 см.), маълумоти тўғрисида гувоҳнома.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Ленин райони, Кафанов кўчаси, 51-уй («Госпитал бозори» бекати яқинида; 8, 9, 10, 24-трамвайларнинг «Кафанов кўчаси» бекати, 2, 5-трамвайлар; 2, 3, 80-автобусларнинг «Госпитал бозори» бекати).

МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ, СИЗЛАР УЧУН!

ТОШКЕНТ САЁҲАТ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БЮРОСИ 1—10 СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ УЧУН АВТОБУС ЭКСКУРСИЯЛАРИ УЮШТИРАДИ:

1—3 синфлар
«СВЕТОФОРИЯ МАМЛАКАТИГА САЁҲАТ»
3—7 синфлар
«ТОШКЕНТ — СЕРҚУЁШ ЎЗБЕКИСТОН ПОЙТАХТИ».
«ЛЕНИН НОМИ БИЛАН ЎҚИЙМИЗ ВА ЯШАЙМИЗ».
«ҚИЗИЛ ГАЛСТУКЛАР ЙЎЛЛАРИ БЎЙЛАБ».
«ТОШКЕНТ СПОРТИ ҲАЁТИ».
7—10 синфлар
«ТОШКЕНТ — СЕРҚУЁШ ЎЗБЕКИСТОН ПОЙТАХТИ».
«МЎЪЖИЗАКОР НАҚШЛАР . МАФТУНКОРЛИГИ» (Ўзбекистон амалий-декоратив санъати).
«УЛУҒБЕКДАН ГАГАРИНГАЧА».
«УЛАР ЖАСОРАТИ БИЗГА АБАДИЙ НУР ТАРАТАДИ».
«ЖАНГЛАРДА ТУҒИЛГАН, МЕҲНАТДА ТОБЛАНГАН».

Экскурсиялар уюштириш масаласи бўйича қуйидаги адресга мурожаат этилсин: Тошкент шаҳри, Парадлар хиёбони, 5-уй, 2-хона. Телефон 39-13-19.

МУТАХАССИСЛАР, ЎҚИТУВЧИЛАР ВА ЎҚУВЧИЛАР.

ДИҚҚАТИГА!

МОЛДАВИЯ СОВЕТ ЭНЦИКЛОПЕДИЯСИ БОШ РЕДАКЦИЯСИ МАМЛАКАТИМИЗДА ИЛК МАРТА
«Узумчилик ва виночилик энциклопедияси»ни (уч томда)

РУС ТИЛИДА ЧОП ЭТМОҚДА

У мутахассисларга — соҳибкорлар ва виночиларга, олимлар, қишлоқ хўжалик профилидаги олий ва ўрта ўқув юртлари ўқитувчилари, студентлари ва ўқувчиларига, шунингдек узумчилик ва виночилик тараққиёти масалалари билан қизиқувчи барча кишилар учун мўлжалланган.

Тўла нашрнинг тахминий баҳоси — 15 сўм.

Консультация олиш ва обунани расмийлаштириш ишларини сиз 17— «Обуна нашрлари магазинида қуйидаги адрес бўйича амалга оширишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспекти, 7-уй. Телефон 44-57-41.

«ТАШКНИГА».

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ
ёшларни олий ўқув юртларига кириш учун тайёрлайдиган
МАРКАЗИЙ ҚУРСЛАРГА
1984-85 ўқув йили учун

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Тайёрлов курсларига кирувчилар университет ректорати номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатларини қўшиб топширадилар: ўрта маълумот ҳақидаги ҳужжат нусхаси (10 синф ўқувчилари учун мактабдан справка), турар жойидан справка, 3х4 см. ҳажмидаги 2 дона фотосурат, иш жойидан справка (ўрта маълумотлилар учун).

МАШҒУЛОТЛАР МАТЕМАТИКА, ФИЗИКА, ХИМИЯ, БИОЛОГИЯ, ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ, ТАРИХ ВА ЧЕТ ТИЛЛАРИ (инглиз, немис, француз)ДАН ҲАФТАСИГА УЧ МАРТА (якшанбадан ташқари) КЕЧ СОАТ 19.00 ДАН УНИВЕРСИТЕТ БИНОСИДА (студентлар шаҳарчаси) ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Ҳужжатлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни кеч соат 17.00 дан 20.00 гача ТошДУ бош корпусининг «А» бўлими, математика факультетининг 5-қават, 501-хонасида қабул қилинади.

М. Қориёқубов номидаги ўзбек давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

13, 15 ОКТЯБРЬ СОАТ 19.30 ДА

ЛИРИК ХОНАНДАЛАР ВА РАҚҚОСАЛАР ДАВРАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР.

БУТУНИТТИФОҚ ПРОФЕССИОНАЛ БАДИИЙ КОЛЛЕКТИВЛАР КЎРИГИ-КОНКУРСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТИНИНГ ЛАУРЕАТИ

ЎЗБЕК АШУЛА ВА РАҚС «ШОДЛИК» АНСАМБЛИ

КОНЦЕРТИ

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва ҚҚАССР халқ артисти

Гулшод ОТАБОЕВА

VI Жаҳон фестивалининг лауреати

Анвар РУСТАМОВ

Солистлар: **Фаҳриддин УМАРОВ, Ҳожиакбар ҲАМИДОВ, Ҳотам ҲОЖИЕВ, Абдуқодир ЮСУПОВ, Раҳима НОСИРОВА, Дилором ҚАЮМОВА, Лола ОҚИЛОВА, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ, Шоира ҒОИБНАЗАРОВА, Элдора ҒАНИЕВА.**

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

«ШОДЛИК» ансамблининг бадиий раҳбари ва бош балетмейстери — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати **Қодир МЎМИНОВ.**

Музика раҳбари — Исматулла РАҲМАТУЛЛАЕВ.

Ф. Хўжаев номли 1-пойафзал фабрикаси қошидаги
143-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ

БИЛИМ ЮРТИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИ: **пойафзал қисмларини бичувчи, заготовка тикувчи, пойафзал тикувчи, тайёр маҳсулотни қабул қилувчи контролёрлар, слесарь-ремонтчи, электромонтёр, конструктор-модельер, модали пойафзал тикувчи.**

Билим юртига қабул қилинган 8—10 синфни тамомлаган ўқувчиларга ҳамма ҳунарлар бўйича ўқиш муддати 6 ой ва улар 70 сўм стипендия билан таъминланадилар. Практикада ишлаган иш ҳақининг 50 процентини оладилар.

БИЛИМ ЮРТИНИ БИТИРГАНЛАР 1-ПОЙАФЗАЛ ФАБРИКАСИДА ИШЛАЙДИЛАР.

Билим юрти қошида ўқувчиларнинг маданий ҳордиқ чиқариши учун пойафзалчилар маданият саройи ва ундаги туристик ва спорт, ҳаваскорлик тўгараклари мунтазам ишлаб турибди.

Билим юртида ишчи ёшлар мактаби бор.

Билим юртида бепул бичиш-тикиш курси бор. Битирганларга гувоҳнома берилади.


Билим юртини аъло ёки яхши битирган ўқувчиларга техникум ва институтларга йўлланма берилади.

Ўқишга киришни ҳоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим: директор номига ариза, маълумоти ҳақидаги ҳужжат, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, турар жойидан ва саломатлиги ҳақида справка, 3х4 см. ҳажмдаги 6 дона фотосурат.

ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ (якшанбадан ташқари) **ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, Б. Хмельницкий кўчаси, 6-уй (3, 2, 6, 14-троллейбусларнинг «Пойафзал фабрикаси» бекати). Телефонлар: 53-99-91, 53-99-04.

ДАСТУРХОННИ ТУЗАШ УЧУН



ТОШКЕНТ ЗАРГАРЛИК ЗАВОДИ

ЧИРОЙЛИ МЕЛЬХИОР БУЮМЛАР —ОРИГИНАЛ ФОРМАДАГИ ЧОЙ ҚОШИҚЛАРИ, ҚАНДДОНЛАР, ТОРТ УЧУН КУРАКЧА, ЛИМОН УЧУН ВИЛКАЛАРНИ КЕНГ КЎЛАМДА

ИШЛАБ ЧИҚАРМОҚДА

МЕЛЬХИОРДАН ИШЛАНГАН ПРИБОРЛАРНИ ШАҲРИМИЗДАГИ ЗАРГАРЛИК МАГАЗИНЛАРИДАН

СОТИБ ОЛИШ МУМКИН

ВНИИЮВЕЛИРПРОМ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-24).

ТВ

пайшанба

11 ОКТЯБРЬ

● МТ I

17.50 «Тува ҳақида уч қўшиқ». Телефильм премьераси.
18.40 «Дунё ва ёшлар».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Миллионлар ленинча университети». «Меҳнат — жамият — инсон! «Меҳнат коллективи ҳуқуқ ва бурчларининг бирлиги».
20.00 Футбол бўйича жаҳон чемпионатининг саралаш матчи. Норвегия — СССР терма командалари. Норвегиядан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.05 СССРда ГДР Маданияти кунларининг очилишига бағишланган концерт. ССР Иттифоқи Давлат академик Большой театридан олиб кўрсатилади.

00.10 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати.
00.25 «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.45 «Душанба—дам олиш куни». Пермь расмлар галереяси ҳақида телефильм.
19.30 Қирғизистон ССР Давлат халқ рақс ансамблининг концерти.
20.00 «Тажриба олдидан». 2-кўрсатув.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Сиз бунга қодирсиз».
21.30 «Время».
22.05 «Фамилиядош». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.
23.10 «Агар ёшлик билганда эди». Ҳужжатли фильм.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Қувноқ камалак». Болалар учун фильм-концерт.
18.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади». «Сенинг замондошинг».
19.15 «Дружба народов» журнали — 1985 йилда».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.50 «Чўнтакдаги пуллар». Ҳужжатли фильм.
20.10 «Инсон ва қонун» программаси почтасидан.
20.30 «Ахборот».
20.55 ЎзССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Дўстлик тароналари».
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Қишлов — чорвадорлар учун масъулиятли давр».
22.25 «Баҳс». Ахлоқий этик мавзуларда кўрсатув.
23.25 Теннис бўйича СССР чемпионати. «Динамо» теннис стадионидан репортаж (ёзиб олинган).
23.55 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 «Йигирма микрон бўшлиқ» Ҳужжатли фильм.
18.35 «Най навоси». Бадиий фильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 Реклама.
20.30 «Гилдирак». Телевизион бадиий фильм (рус.).
20.50 «Советлар мамлакатининг кишилари». Кинопрограмма.
21.30 МТ II

жума

12 ОКТЯБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Моҳир қўллар».
10.10 «Умид ва таянч». Бадиий фильм.
11.50 РСФСР халқ артисти А. Тихонов чалади (балалайка).
12.20 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 «Уйга ғалаба билан». Телефильм премьераси.
16.10 «Рус тили».
16.40 «Биз билан бирга, худди биздек, биздан ҳам яхшироқ бажар». ГДРдан олиб кўрсатилади.
17.40 В. Моцарт. Флейта ва оркестр ижроси учун 2-концерт.
18.05 «Андалусия — Испаниянинг қалби». Киношарҳ.
18.45 «Ҳунар-техника билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади». «Қурувчилик шуҳрати ҳақида».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Мультфильм.
19.45 ҚИРҒИЗИСТОН ССР ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ РЕСПУБЛИКА ТАШКИЛ ТОПГАНЛИГИ ВА ҚИРҒИЗИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТУЗИЛГАНЛИГИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ПРОГРАММАСИ.
21.30 «Время».
22.05 М. Фрадкин асарларидан концерт.
23.50 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15—9.35 «Мелеузов йилқичилари». Телефильм.
11.05—11.35 «Антарктидага командировка». 3-кўрсатув.
12.05 Илмий-оммабоп фильмлар: «Шоир ва революция», «Чарин дараларида».
14.30 Тарих саҳифалари, «Қаҳрамонлар билан учрашув».
15.10 «Драматургия ва театр». А. Н. Островский. «Бўрилар ва қўйлар».
16.05 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.50 «Сизлар қандай кишилар бўлиб етишасиз». Ҳужжатли фильм.
19.10 Бадиий ҳаваскорлик ижодиёти Бутуниттифоқ кўриги.
19.30 «Қишлоқ янгиликлари».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.50 Теннис бўйича СССР чемпионати. Тошкентдан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.05 «Фамилиядош». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
23.10 Парашют спорти бўйича СССР чемпионати. Краснодардан олиб кўрсатилади.


● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 «О, муҳаббат». Телевизион бадиий фильм (рус.).
11.30 Ўқув программаси (рус.).
12.00 «Эшмат—фариштa». Телевизион бадиий фильм («Ўзбекфильм») (рус.).
12.30 Ўқув программаси.
13.00 Янгиликлар.
18.00 Янгиликлар.
18.15 Қўғирчоқ фильм.
18.30 «Ҳовлимиздаги стадион» (рус.).
19.00 «Кабарда-Балкар диёри тароналари». Кабарда-Балкар АССРда хизмат кўрсатган артист М. Текуев куйлайди.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.50 «Ишчанлик вазнятидаги учрашувлар». Телетомошабинларнинг саволларига ЎзССР Енгил саноати министри М. Х. Қурбонов жавоб беради (рус.).
20.30 «Ахборот».
20.55 «Мақом кечаси». Кўрсатувни ЎзССР халқ артисти О. Алимаҳсумов олиб боради.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Дунё воқеалари».
22.35 Молдавия ССР ва Молдавия Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Ажойиб тақдирли кишилар».
23.30 Янгиликлар.
18.10 Кўрсатувлар программаси.

● ЎзТВ II

9.00—16.10 МТ II
18.15 «Спорт, спорт, спорт». Кинопрограмма.
18.55 «Лоқайдлик». Телефильм.
19.10 «Ғалла ҳақида ўйлар». Ҳужжатли фильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Екатерина саройи». Телефильм.
20.50 «Озиқ-овқат программаси—халқ фаровонлигининг асоси» (рус.).
21.20 «Денгиз билан дўстлашиб». Телефильм.
21.30 МТ II

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети капитал ремонт бошқармаси
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАЛАРИ КОМБИНАТИ
(Тошкент шаҳри, Шимолий-Ғарбий саноат зонаси, Гавҳар кўчаси)
ТАШКИЛОТЛАРГА
БЕПУЛ ҚИПИҚЛАРНИ ТАРҚАТАДИ
Зарур бўлган ташкилотлар қипиқларни ўзлари олиб кетишлари керак.



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»)
— орган Ташкентского горкома Узбекистана и Ташгорсовета
(Газета бир йилда 300 марта

БИЗНИНГ АДРЕС:
700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ,
ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар: секретариат— 33-57-02; партия турмуши— 32-53-66; саноат —33-08-74; —32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; совет ва ҳуқуқ— 32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юрт — 32-53-10; адабиёт ва санъат—32-56-81; —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 33-81-42; диспетчерн — 32-78-94.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс

Р—13927. Б-2015. 1 2 3 4 5 6 7